

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1112-ҳадис

1112 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَسِّطُوا الْإِمَامَ، وَسُدُّوا الْحَلَلَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ [681].

1112. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Имом ўртада турсин, очиқ жойлар тўлдирилсин», дедилар».

Абу Довуд ривоятлари.

Шарҳ: Намозда сафларнинг теккислиги ва бўш жой қолдирмаслик бўйича юқоридаги кўп ҳадисларда изоҳ қилинди. Юқоридаги ҳадисда ҳам худди шу масалалар баён қилинган. Шуларга қўшимча қатори саҳобаларнинг Расулуллоҳ с.а.в.нинг ўнг томонларида туришни орзу қилганликлари ва охириги ҳадисда сафга қандай қилиб ва қайси ердан бошлаш кераклиги ҳақида ҳам билдирилган.

Мавзунинг бошидан бери саф тузиш ва сафга жойлашиш изоҳланиш билан бирга сафдаги имомнинг жойи ҳам аниқланган. Шунга кўра имом жамоатнинг ўртасига туради.

Ҳадисдан ўрганганларимиз:

1. Имом жамоатнинг ўртасида туради.
2. Жамоат билан турганда биринчи олдиндаги саф, кейин эса қатор билан қолган сафлар тўлдирилади.
3. Сафларда бўш жойлар қолмаслиги керак.
4. Жамоатга кейин қўшилган кимса биринчи ўнг томондаги, сўнгра чап

тарафдаги сафлар тўлиқланади.

5. Аллоҳ таоло биринчи сафнинг ўнг томонидагиларга раҳмат юборади.

6. Фаришталар эса дуо қилади.

7. Саҳобалар Расулуллоҳ с.а.в.нинг ўнг томонида бўлишни хоҳлашар эди.

Манба: hadis.islom.uz

